

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Халмурадов Элмурод Дилмурадович

Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Мақолада Бугунги кунда акциядорлик тижорат банкларидида корпоратив бошқарувни трансформация қилиш ва бошқарув жараёнига рақамли технологияларни қўллашнинг аҳамияти, бу борада Ўзбекистон ҳамда хориж олимларининг тадқиқотлари, Корпоратив бошқарувнинг мазмун моҳияти, корпоратив корхона менежерининг фаолияти, акциядорлар ва инвесторларнинг манфаатлари, Корпоратив бошқариш, бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив корхона фаолияти, ресурслардан самарали фойдаланиш каби масалалар кенг манбалар асосида тахлил қилинган.

**Калит сўзлар.** Корпоратив бошқарув, профессионал, раҳбар, корпоратив мулк, субъект, мулкдор, акциядорлар, инвесторлар, жамият, функция.

**Annotation.** This article describes the implementation of comprehensive reforms carried out by the government in the development of the transport sector of Uzbekistan, their legal basis, proposals and recommendations aimed at solving problems through public control. Scientific and theoretical conclusions are given regarding documents and strategic concepts that meet the requirements of international transit corridors.

**Key words:** information age, public control, transport sector, reforms, strategic goal, international legal documents, transport corridors.

Банкларда хизмат кўрсатиш ва бошқарув жараёнларида рақамли технологиялардан фойдаланиш жараёнларига иқтисодчи олимлар турли илмий қарашларни ўз ишларида турлича ифода қиладилар. Р.Марито ..рақамли трансформация банк хизматларини кўрсатишнинг замонавий усулларини кенг жорий этишни назарда тутди. Банк филиаллари сони камаймоқда, кўплаб хизматлар онлайн хизматларга ўтказилмоқда, айниқса кредитлар бериш ёки маблағларни инвестициялашда рақамли технологиялар қўлланилмоқда<sup>43</sup>.

С.Матт, Т.Хесс ва А.Бенлианларнинг илмий ишларида банкларнинг рақамли трансформациясининг асосий тенденциялари бизнес жараёнларини комплекс автоматлаштириш, шу жумладан CRM тизимларини (мижозлар билан озаро муносабат тизими) жорий этиш, мижозларни Интернет ва мобил қурилмалар орқали масофавий хизмат кўрсатиш каналларига ўтказиш ҳисобланади. Айрим

<sup>43</sup>Martino P., Schaffner J. Raqamli transformatsiyaning bank operatsion modellariga ta'siri. Deloitte. 2015 yil.

банклар биометрик идентификация элементларини жорий қилди, блокчейн технологиялари соҳасида лойиҳаларни амалга ошироқда ва Финтех компаниялари билан экотизимлар яратди. Хизмат кўрсатиш учун электрон каналларнинг кенг доираси мавжудлиги банкларга транзакция ҳаракати ва хизмат кўрсатиш тарихини таҳлил қилиш асосида мижозларга мақсадли дастурлар яратиш ва хизматларни таклиф қилиш имконини берди<sup>44</sup>.

С.В. Ештокиннинг фикрича, бевосита банк соҳасини рақамли трансформациялаш жараёни деганда банклар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган рақамли технологиялардан фаол фойдаланиш тушунилиши мумкин. Рақамлаштириш билан рақамли иқтисодий ривожлантиришга ёрдам берувчи турли инновацион технологиялар жорий этилмоқда, бу еса тижорат банкларининг мижозлар ва давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги соддалаштирилди.<sup>45</sup> С.Ю. Перцева ўз илмий ишларида, Финтех - бу молиявий хизматлар ва технология секторлари чорраҳасида жойлашган динамик сегмент бўлиб, унда технологик стартаплар ва бозорнинг янги иштирокчилари ҳозирда анъанавий молиявий хизматлар сектори томонидан тақдим этилаётган маҳсулот ва хизматларга инновацион ёндашувларни қўллайдилар.<sup>46</sup>

М.И.Ивлеванинг фикрича рақамли банк<sup>47</sup> электрон айланма моделидан фойдаланган ҳолда фаолият юритувчи филиалсиз банк ҳисобланади. Рақамли тармоқ рақамли банкнинг асоси бўлиб, кўнғироқлар маркази, интернет-банкнинг, мобил банкнинг ва филиаллар қўйилган пойдеворга фақат ёрдамчи қўшимчалардир. Банк тизимидаги ўзгаришларнинг бир неча босқичлари мавжуд (1-расм).

О.В.Сидиская ...Рақамли трансформация концепциясининг марказида ҳаётнинг барча соҳаларида кузатиладиган технологик жараёнлардаги туб ўзгаришлар ётади. Бизнесда рақамли трансформация бизнес стратегияси, моделлари, операциялари, маҳсулотлари, маркетинг ёндашуви ва мақсадларини қайта кўриб чиқишга олиб келади. Бу савдо ва бизнес ўсишини тезлаштиради. Иқтисодийнинг рақамли трансформациясининг ажралмас қисми банк секторининг рақамли трансформацияси ҳисобланади. У қуйидаги мақсадларни кўзлайди: қарор қабул қилиш тезлигини ошириш, мижознинг эҳтиёжлари ва хусусиятларига қараб жараёнларнинг ўзгарувчанлигини ошириш, жараёнга жалб қлинган ходимлар сонини камайтириш . В.С.Токаревнинг фикрича - Банк фаолиятини рақамли

<sup>44</sup> Matt C., Hess T., Benlian A. Raqamli transformatsiya strategiyalari // Biznes va axborot tizimlari muhandisligi. 2015. jild. 57. No 5. B. 339-343.

<sup>45</sup> Eshokin S.V. Цифровая трансформация российских банков в условиях больших вызовов и угроз // Экономика и социум: современные модели развития. – 2021. – Том 11. – № 1. – С. 47-58. – doi: 10.18334/ecsoc.11.1.111622.

<sup>46</sup> Перцева С.Ю. Финтех: механизм функционирования / С.Ю. Перцева // Инновации в менеджменте. 2017. №12. — С. 50–53..

<sup>47</sup> Ивлева, М. И. Тенденция цифровизации банковской отрасли / М. И. Ивлева. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2020. — № 2 (292). — С. 268-270.

трансформация қилиш узлуксиз жараён сифатида кўриб чиқилиши керак, унинг мазмуни ва хусусиятлари банк ва унинг филиали учун концептуал бўлган омиллар мажмуи ёки рақамлаштирилиши керак бўлган алоҳида операция (хизмат) билан белгиланади. Банк фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун зарур булади. Сўнгги йилларда банк фаолиятини рақамлаштириш консалтинг-таҳлил агентликлари ва компаниялари олимлари ва амалиётчиларининг диққат марказида бўлди. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банклари рақамлаштириш соҳасида етакчи ўринларни эгаллаб, шу орқали бошқа соҳа ва йўналишлардаги корхона ва ташкилотларга йўналтирувчи бўлиб хизмат қилмоқда<sup>48</sup>.

#### **Рақамли хизматларга йўналтирилган бизнес модели**

Умуман, Банк фаолиятини рақамли трансформация қилиш мураккаб жараён бўлиб, унинг самарадорлиги кўплаб контекстуал омилларни ҳисобга олишни талаб қилади, улар банкда рақамлаштиришнинг хусусиятлари ва самарадорлигини белгилловчи ташқи ва ички таъсир этувчи омиллар сифатида тушунилади. фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, кўлами ва ривожланиш истиқболларини ҳисобга олиш талаб этилади. Банкда рақамлаштириш - бу инновацион технологияларни жорий этиш орқали унинг бизнес жараёнларидаги узгаришдир. Банкни рақамлаштириш - бу замонавий технологияларни жорий этиш орқали банкнинг бизнес-жараёнларини узгартиришдир. Бу жараён нафақат замонавий асбоб-ускуналар ёки дастурий таъминотни урнатилни, балки бошқарув, узаро муносабатлар ва корпоратив маданиятга ёндашувлардаги туб узгаришларни ҳам уз ичига олади.

#### **Молиявий бозорлар ва бизнес сегментлари ҳақидаги маълумотларни қайта ишлаш учун мўлжалланган рақамли таҳлил воситаларининг ихтироси**

Шунингдек, Интернет-банкнинг уз навбатида қуйидаги турларга булинади: ахборот, алоқа ва оператив. Барча Интернет-банкнинг асосланган биринчи тури, ахборот ҳисобланади. У асосан маркетинг фаолияти билан ифодаланади ва мижозларга банк хизматлари ҳақида бирламчи маълумотларни тақдим этади. Ахборот банкининг энг самарали усули - бу расмий веб-сайт ёки илова орқали мижоз билан мулоқот қилиш, чунки Ушбу усул Big data орқали ҳар бир мижоз учун унинг шахсий имтиёзларига эътибор қаратган ҳолда тегишли хизматлар руйхатини тақдим этишга қодир<sup>49</sup>.

#### **Банк фаолиятини стратегик мувофиқлаштириш ролини ўйнайдиган тизимни яратишдир**

<sup>48</sup>Токарев Владимир Сергеевич. Факторы, влияющие на цифровизацию банковской деятельности, и их особенности // Известия СПбГЭУ. 2021. №1 (127). С.185-190.

<sup>49</sup> Хафизова Р.Х. Основные Направления Развития Цифрового Банкинга // Международный журнал гуманитарных и естественных наук. 2022. №5-4. С.240-243.

Г.Ю.Мухараева "Банк тенденцияларини таҳлил қилиш бизга кредит ташкилотининг ривожланиш стратегиясини шакллантиришнинг иккита мумкин булган ёндашувини аниқлаш имконини беради:

– инновацияларнинг уз ривожланиши;  
– финтех стартаплари билан ҳамкорликка эътибор қаратиш. Финтех стартаплари 2016-йил 5-сентябрда Г20 йиғилишида ишлаб чиқилган Г20 инновацион ўсиш контурларини амалга оширишга қаратилган Миллий технология ташаббуси доирасида ишлайди [10].

Бундан ташқари ушбу масалага турли йўналишдаги компаниялар ҳам ўз фикрларини билдиришмоқда. Чунки бугунги кунда банкларда трансформация жараёнларини банк фаолиятини рақамлаштиришдан бошлаш банк учун ва унинг мижозлари учун муҳим аҳамият касб этиб, банк секторини рақамлаштириш улкан салоҳиятга эга. Шундай қилиб, McKinsey компаниясининг фикрига қараганда, макроиқтисодий зарбалар булмаганда, банк тизими амбицияли ва кучли бозор етакчилари, замонавий тенденцияларга тезда жавоб берадиган регулятор мавжудлиги туфайли дунёдаги энг илғорлардан бирига айланиш учун яхши имкониятга эга. Молия ва технологиялар дунёсида, шунингдек, аҳолининг молиявий хизматларни олишнинг янги, қулайроқ моделларига ўтишга тайёрлиги туфайли бугунги кунда банк соҳасида бизнес жараёнларини рақамлаштириш соҳасида жиддий узгаришлар рўй бермоқда.

## REFERENCES:

1. Д.Х.Суюнов, Б.Р.Турсунов. Акциядорлик жамиятларда корпоратив бошқарув самарадолигини ошириш. Central Asian Academic Journal of Scientific Research 2 (2), 48-55. 2022 йил.
2. D.X.Suyunov. Implementation of modern international standards and methods corporate governance. International Finance and Accounting 2021 (3), 33.
3. Суюнов.Д.Х, Холбаев.Б.А. Лойиха бошқаруви: услуб ва стандартлар. Ўқув кўлланма. 2018 – 2021 йил. 195 бет.
4. Суюнов.Д.Х. Холбаев.Б.А. Методы и стандарты управления проектами. учебное. 2018 – 2021 год. 210 стр.
5. Д.Х.Суюнов, Э.А.Хошимов, Ш.А.Хусаинов. Корпоратив бошқарув: муаммолар ва замонавий ечимлар. "Корпоратив бошқарув: муаммолар ва замонавий ечимлар. 2018 – 2021 йил. 220 бет.
6. Suyunov.D.X, Elmirzayev.S.E. Korporativ boshqaruv. Дарслик – Toshkent: 2021 – 2022 йил. 450 бет.

7.D.X.Suyunov. Ways to introduce a modern control system for the development of joint stock companies. International Finance and Accounting 2020 (3), 33. 2018 – 2020 йил.

8. AM Miralimovich, SD Kholmurodovich, AB Batirovich. Prospects for the development of the green economy based on investment projects in cooperation with developed countries. Western European Journal of Modern Experiments and Scientific Methods 1 (2.6).2023.

9. D.Suyunov, M Maxsudov. The role of energy in the economic development of Uzbekistan. Science and innovation 1 (A4), 145-149.6.2022

10. D.Suyunov, A Davletyarov, A Kenzhabaev. Foreign Experience in the Development of Small Business and Private Entrepreneurship in the Field of Service Global Scientific Review 14, 5-11.5.2023.

11.S.D.Xolmuradovich Umumiy ovqatlanish korxonasini faolyatini rivojlantirishda marketing strategiyalaridan foydalanish va SWOT tahlili takomilashtirish. OGL To'Raqulov Botirturdiyev, Ta'lim fidoyilari 25 (5), 157-164.5.2022.

12. S.D.Kholmuradovich, K.T.Uzokovich. Ways for a leader to work on speech and improve speaking skills. American Journal of Pedagogical and Educational Research 11, 29-32.5.

13. Д.Х.Суюнов, Н.К.Ёрматова. Цифровая трансформация процессов управления персоналом в коммерческом банке. Journal of new century innovations 43 (4), 75-78.4.2023.

14.D.X.Suyunov, V.R.Kaytavov. Current issues of digitization of transformational processes in commercial banks. American Journal of Business Management, Economics and Banking 10, 38-45.4.2023.

15.S.D.Kholmurodovich, T.D.Shermonovna. The role and importance of digital technologies in the development of enterprises. The American Journal of Social Science and Education Innovations 4 (02), 15-19.